O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 19 yil «28» 10 № 266

Toshkent sh.

Диагностика ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сонли фармонининг ижросини таъминлаш, Далилларга асосланган тиббиёт ва халқаро стандартлар асосида, миллий клиник стандартларини (баённомалар, қўлланмалар, тавсиялар) ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича илғор халқаро амалиётни ўрганиш асосида дерматовенерология, эндокринология, урология, неврология, онкология, психиатрия, травматология ва ортопедия, болалар таянч-харакат тизими, аллергик касаликларини диагностика ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларини тасдиқлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида **буюраман**:

1. Қуйидагилар:

Дерматовенерологик касалликларининг диагностикаси ва даволаш бўйича стандартлари 1- иловага;

Эндокринологик касалликларининг диагностикаси ва даволаш бўйича стандартлари 2- иловага;

Урологик касалликларининг диагностикаси ва даволаш бўйича стандартлари 3- иловага;

Неврологик касалликларининг диагностикаси ва даволаш бўйича стандартлари 4- иловага;

Болалар таянч-ҳаракат тизими касаллиикларининг диагностикаси ва даволаш бўйича стандартлари 5- иловага;

Сут бези саратонининг диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протоколи 6- иловага;

Бачадон танаси саратонининг диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протоколи 7- иловага;

Руҳий ҳолат бузилишлари диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протоколлари 8- иловага;

Травматология ва ортопедия соҳаси касалликларининг диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протоколлари 9-иловага;

Аллергик касалликлар диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протоколлари 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (Ф.Шарипов), Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси (М.Садиков), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметалогия илмий-амалий тиббиёт маркази (У.Собиров), Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (А.Алимов), Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (М.Тиллашайхов), Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ш.Мухтаров), Республика ихтисослаштирилган неврология ва инсульт илмий-амалий тиббиёт маркази (А.Каримов), Республика болалар таянч харакати тизими касалликлари реаблитация маркази (С.Бекчанов), Республика руҳий касалликлар клиник шифохонаси (С.Уралов), Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази (М.Азизов), Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази (И.Разикова):

мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник протоколлар тегишли даволаш-профилактика муассасаларига етказилишини таъминлаб, амалиётда фойдаланилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин;

тиббий технологиялар ва дори воситаларининг ишлаб чиқарилиши такомиллашувини инобатга олган ҳолда, тасдиқланган клиник протоколларни ҳар 2 йилда қайта кўриб чиқиб, янада такомиллаштириш бўйича таклиф киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари, республика тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига иловада тасдиқланган диагностика, даволаш стандартлари ва клиник протоколлар тегишли даволаш-профилактика муассасаларида амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Б. Игамбердиевга бошқарманинг режали ва режадан ташқари текширишларида иловага мувофиқ тасдиқланган диагностика, даволаш стандартлари ва клиник протоколлар тиббиёт амалиётига татбиқ этилиши устидан назорат ўрнатиш топширилсин.

5. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 16 августдаги “Диагностика ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 457-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2,6,10-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

В а з и р **А. Шадманов**